АЛЛА АЙТИШ АНЬАНАСИ ВА УНИНГ ЭТНОГРАФИК АҲАМИЯТИ (ҚАРШИ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Очилова Холида
Қарши шаҳар,
Осиё технологиялар университети

Аннотация: *Ўзбекларда алла билан боғлиқ удумлар Қарши воҳаси аҳолиси мисолида тарих-этнография маълумотлари асосида ёритилган*

Калит сўзлар: *Қашқадарё, Қарши воҳаси, оила, она, бола, гўдак, чилла, матн, қўшиқ, бешик.*

Аннотация: *В этом статье на основе историко-этнографические материалов освещается кольбелная песния (алла) населения Каршинского оазиса*

Ключовий слова: *Кашкадарья, Каршинское оазис, семья, мать, ребенок, детый, чилла, текст, песня, колыбель.*

Summare: *Udums related to Allah in Uzbeks are covered by ethnographic data on the example of the population of Voxa*

Key word: *Kashkadarya, Karshinskoe oasis, family, mother, child, a baby, chill, the text, ong, cradle.*

Халқимизда кенг тарқалган халқ оғзаки ижоди намуналаридан бири, алла айтишдир. Она алласи инсониятнинг ўзи каби қадимийдир. У тарбиянинг буюк калити ҳисобланади.

Алла болани ухлатиш жараёнида яккахонлик услубида айтиладиган қўшиқ. Ўзбек, уйғур ва тожик халқлари орасида алла номи билан юритилади. Одатда оддий куйлар билан, баъзида речитатив тарзда,бешик ёки беланчакни тебратиш суръатига мос равишда ижро этилади. Матни, асосан, тўртлик; 1) ижоро услуби эркин, бадиҳагўй. Алла онанинг болага

imrconf.com

бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, яхши ният ва тилакларини англатиш билан бирга руҳий кечинмаларни ҳам ифодалайди. Шу боис баъзи алла намуналари йиғи оҳангларига яқин бўлади: 2) бешик тўйи жараёнида бешикни олиб кираётган аёллар томонидан айтиладиган қўшиқ. Ижро хусусиятлари байрамона маросим кайфиятига мос; тантанавор доира усули жўрлигида куйланиши мумкин; 3) Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида алла номи билан айтиладиган маросим қўшиқлари. Масалан, Бухоро вилояти Олот ва Қоракўл тумнлари ҳамда Хоразмда дафн маросими жараёнида навбат билан аёллар (ёки махсус чақирилган аллачи-гўянда, халфа) томонидан бадиҳа услубида айтиладиган қўшиқ ва бошқалар Айрим тахминларга кўра, алла номи < Аллоҳ > сўзидан келиб чиқиб, Яратгадан чақалоқни ўз паноҳида асрашни илтижо қилишга нисбат билан боғлиқ. Анъанавий алла хусусиятларидан ўзбек бастакорлари (Т. Жалилов, Ю. Ражабий Ф.Содиқов) ва композиторлари (А.Муҳамедов, И.Акбаров, С.Юдаков) ижодий фойдаланишган.

Совет даврида оналарнинг ҳаёт қўшиғи алла - деярли унутила ёзганди. Мустақиллик йилларида қадриятларимизнингтиклана бошланиши билан 1992-1993 йилларда алла кўрик-танловлари ўтказилиши катта воқеа бўлди. Бу танловлар барча туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилди.

Марказий Осиё республикалари миқёсида алла айтиш санъати ўрганилиб, тўплам нашр этишга киришилди. Кейинчалик кўрик-танловга собиқ Иттифоқнинг турли минтақаларидан, Туркия, Афғонистондан ҳам вакиллар таклиф этилди. Ха, гўдакни вояга етказувчи, тарбияловчи буюк муқаддас қўшиққанчалик баралла янграса мустақил Ўзбекистонда поклик беғуборлик ва эзгулик шунчалик қарор топаверади.

Алла - оналар томонидан ёш, гўдак болаларга айтиладиган қўшиқ бўлиб, бевосита болаларни ухлатиш пайтида айтилади. Алланинг сўзлари

imrconf.com

онанинг кайфияти холатини ҳисобга олган ҳолда бадиҳагўйлик асосида айтилади. Она ҳали сўзларни тушунмайдиган ўз фарзанди учун сўз ва мусиқа, яъни қўшиқ воситасида алоқага киришади ва унга ўз орзу истаклари, умидларини изҳор этиш орқали уни тинчлантиришга ҳаракат қилади.

Алла она билан болани руҳий томондан боғлай оладиган алоқа воситасидир. Аллада фойдаланиладиган мусиқий оҳанглар ҳам онанинг кайфияти ва ҳолатидан келиб чиқади ва она онгида пайтда пайдо бўлган, яъни янгидан туғилган бўлиши мумкин.

Гўдакнинг тезда уйқуга кетиши учун жисмоний руҳий хотиржамлиги талаб этилгани боис, аксарият ҳолларда бола бешикка солиниб, бир маромда тебраниши жараёнида айтилади. Улуғ олим Абу Али Ибн Сино таъбири билан айтганда, бешик болани жисмоний томондан уйқуга тайёрласа, алла унга руҳий хотиржамликни ато этади.

Она аллаларининг деярли барчасида “аллаё, алла”жумлалари мавжуд бўлиб, бу сўзлар баъзан ҳар бир қатордан кейин, баъзан ҳар икки қатор якунида айтилади.

Алла айтиш малакаси оналар томонидан қизларга табиий равишда ўтадиган мерос бўлиб, уни айтишга махсус ўргатилмайди. Ёш қизчалар биргаликда йиғилиб куйлаш даврида оналарига тақлид қилиб, алла айтишга ҳаракат қилишади ва оналари айтган алла сўзларини эслаб қайтаришга ҳаракат қилишади ва “ўз аллала”ларини ихтиро қилишади.

Маълумки гўдак илк бор тинглаган қўшиғи алланинг охангини хотирасида умирбод эслайди. Қачонлардир ўша оханг қўлоғига чалинганда бир зум болалик дунёсига тушиб қолгандек туюлади.

Болаликнинг энг эзгу тимсолларидан бири алла бўлиб алла ҳисобланади. Дунёга келиб онасидан алла эшитмаган бола, боласига алла айтмаган онани топиш қийин. Аллалар ўзи мансуб бўлган халқ руҳияти, тарихи, тафаккур ва яшаш тарзи, шунингдек қадриятларини ҳам қамраб

imrconf.com

олади. Шунга асосланган ҳолда аллаларнинг тарбия жараёнидаги иштирокини юқори баҳолаш мумкин.

Аллалар гоҳ қувноқ, гоҳида мунгли, гоҳида майин, гоҳида эса жарангдор овозда куйланади. Бу куйловчи, яъни онанинг аҳволи, руҳиятидан, кайфияти ва фарзандига муносабатидан келиб чиқади:

Алла айтай, жоним болам,
қулоқ солгин алла.
Ширин аллам тинглаб аста
ухлаб қолгин алла.

Мазкур алла замирида суюкли инсонидан айрилган аёлнинг руҳий ҳолати, айрилиқ изтироблари аниқ-тиниқ ифодаланган. Алла халқ оғзаки ижоди намуналарига хос бўлган тушунарли ва равон услубда куйлагани боис онанинг қалб кечинмаларини биринчи тинглашдаёқ тушуниб етиш мумкин. Бу алла орқали она фарзанди унинг учун ягона суянчиқ, ҳаётнинг маъноси эканини ифодалайди.

Севганимдан ёдгоримсан,
кўрар кўзим алла.

Одатда, сўйган одамидан ажралган одамнинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кўринади. Унинг учун яшашнинг маъноси йўқолади. Аммо ёридан ажралган бўлса-да, аёл фарзанди учун яшаши керак. Оналикнинг асл мактаби ҳам шунда! Шунинг учун ҳам фарзандига “кўрар кўзим” деб мурожаат қилади. Бу билан энди дунёни унинг кўзлари билан кўражагини эслатади.

Аллалар бола руҳиятига осойишталик бағишлаши билан бирга, унинг мурғак онгида инсоний фазилатларнинг илк куртакларини пайдо қилади. Шу боис аллаларга юртсеварлик, ватанпарварлик ғоялари ҳам сингдирилган. Насиҳат йўсинида куйланадиган бундай аллаларда она қалбининг орзу умидлари акс этади:

Алла айтай, жоним болам.

imrconf.com

Ором олгин алла.

Майли олим бўлма, аммо

Одам бўлгин, алла.

Шу биргина мисра орқали она фарзандининг “инсон” деган номга муносиб бўлиб вояга етишини тилайди. Бу эса шарқ аёлига хос ноёб фазилатдир.

Аждодларимиз “Она алласи тошни ҳам эритишга қодир” деб бежизга айтишмаган. Ўрта Осиё табобат илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино ёзадики: ... “боланинг мижозини кучайтириш учун унга икки нарсани қўшмоқ лозим. Бири болани аста-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлаш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалардир. Шу иккинчиси қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадан тарбия ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади”.

Хуллас ўрганилаётган Қарши воҳаси она аллаларида гўдак келажакда соғ-саломат бақувват бўлиб вояга етиши ота-онаси ва ватанига содиқ фарзанд бўлиб етиши каби эзгу ниятлар мужассамдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ўзбекистон номоддий маданий меросни рўйхати Т., 2016 Ҳилол нашри Б 23

2. Г. Мардонова Нур тўла уй Т., 1992 Б 84-86

3. ЎзМ.1 ж. Т., 2022 Б 228

4. М. Алавия Ўзбек халқ маросим қўшиқлари Т., 1974

5. Е.Романовская Статьи и доклады. Записки музыкального фольклора Т.,1959

6. И.Турсунов Бухоро удумлари Т.,1994

imrconf.com